



halol.uz

## Колбаса тайёрлашда фойдаланиладиган ўрамалар

Колбасаларни турли хил ўрамларга солинади. Булар одатда табиий ва сунъий (синтетик) бўлади. Оддий колбасаларни (кайнатилган - варёное) тайёрлашда асосан сунъий ўрамлардан фойдаланилади. Булар целлофанга ўхшаш бўлиб, уларни табиий ва ярим табиийларидан осонгина фарклар оласиз. Ишлаб чиқаришда уларни 2 туридан фойдаланилади, булар целлюлоз ва полимер асосли хом-ашёлар.

Табиий ўрамларни ҳам фарклар осон. Булар ичаклар бўлиб, бундай ўрамда бўлган колбасанинг шакли идеал бўлмайди. Ўрамда колбасага узунасига тушган билинар-билинемас чизиги бўлади ва агарда бу хоссаларини билишнинг имкони бўлмаса ва бундан сизнинг кўнглингиз тўлмаса у холда ўрамнинг бир четини ёндириб кўрсангиз унинг табиийлигидан далолат берувчи хидни сезиш мумкин ва ёнган колдикнинг кулга

айланиб, укаланиб кетишини сезиш мумкин.

Ўрамларнинг ярим табиий бўлганлари ҳам мавжуд ва айнан ушбу махсулот Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган ярим дудланган ва дудланган колбасаларда кенг миқёсда ишлатилмоқда. Ушбу мақоламизда ўрамаларнинг айнан ушбу турлари хақида чуқурроқ маълумот беришга ҳаракат қиламиз.

### Тарихи ва ишлаб чиқарувчилари

Оксил асосидаги ўрамлар (белковая оболочка) дея номланган бу модда биринчи бўлиб, Германияда 1932 йил патентланган ва корамол терисидан олинган. Бу ўрамга «Натурин» номи берилган. Чехияда шундай технологияда олинаётган «Кутизин» (лотинча cutis — тери) моддаси 1933 йилдан бошлаб ишлаб чиқарилади. Ҳозирги кунда оксил асосидаги ўрамлар АКШ, Германия («Натурин»), Польша («Фабиос»), Япония («Ниппи»), Испания («Фибран» ва «Колфан»), Швеция («Калории») Россияда («Белкозин») ишлаб чиқилмоқда.

Бу ишлаб чиқарувчиларнинг ичида етакчилари «Кутизин» (Чехия), «Натурин» (Германия) ва «Белкозин» заводларидир (Россия). Колган ишлаб чиқарувчилар сифат жиҳатдан булардан кейинги ўринда турсада, махсулоти нархининг нисбатан арзонлиги билан фаркланади.

### Тайёрланиши

Ушбу ярам табиий ўрамалар асосан коллаген моддаси мавжуд бўлган корамол терисидан олинади ва таркибида 90% дан ортиқроқ табиий (хайвон) оксили мавжуд бўлади. Майдаланган корамол терисини бир неча кун (4 суткага яқин) кислотада ушлаб турилади. Кейин ишқорли аралашмада бир масса холига келтирилгунча қорилди. Тайёр бўлган массани валик ёрдамида текисланади ва қуритилади. Ишлаб чиқаришнинг классик технологиясидан фарқли равишда замонавий технологлар корамол териси билан биргаликда унинг хрящларидан ҳам фойдаланишади. Айрим ҳолатларда корамол терисидан олинадиган хом-ашёга махсулотнинг эгилувчанлик хусусиятини ошириш мақсадида 10% га яқин чўчка терисининг ҳам қўшилиши кузатилади.

Умуман олганда оксил асосидаги ўрамларнинг ишлаб чиқилиши жуда мураккабдир. Корамол терисининг ўзига хос хусусиятигина бу хом ашёдан оксил асосидаги ўрама олиш имконияти беради.

(Янада тўликрок маълумот олиш учун "Кожа и обувь" 2 (14) журналида О. Э. Кошелева тарафидан 2005 йилнинг 25 апрелида чоп этилган "Получение белковых оболочек из кожевенных отходов" маколасига қаранг.)